

Аллоҳ таолони зикр қилиш ва Набий алайҳиссаломга салавот айтиш



04:19 / 20.09.2025 1210

???? ???
??
??
??
??
??
??
??

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қай бир қавм бир мажлисда ўтирсалару, унда Аллоҳни зикр қилмасалар ва набийларига салават айтмасалар, албатта, бу улар учун ҳасрату надомат бўлғай. У Зот истаса, уларни азоблагай, истаса, мағфират қилғай», дедилар».

Бундан ҳар бир мажлисда Аллоҳ таолони зикр қилиш ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак номлари зикр қилинганида, салават айтиш лозиму лобуд экани келиб чиқади.

Бу ишларни қилмаслик эса кишини оғир аҳволга солиб қўяди.

Шунинг учун ҳам мусулмон оламида ҳар бир мажлисни бошлашдан олдин ёки тугатиш пайтида Қуръони Каримдан тиловат қилиш одатга айланган.

Шунинг учун ҳам саҳобаи киромлар каттаю кичик ҳар бир ўтиришнинг охирида «Вал-Асри» сурасини тиловат қилганлар.

Шунинг учун ҳам ўтирганда ва турганда махсус дуоларни ўқиш одат тусига кирган.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 35-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 2 августдаги 02-07/6202-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.